

# Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш



Ташриф жараёнида "Сурхон соҳили" маҳалласида "Обод хонадон-Обод кўча-обод маҳалла" тамойили остида олиб борилаётган ишлар билан танишди, штаб аъзолари, маҳалла раиси ва хотин-қизлар фаоли билан суҳбатлашилди.

Шунингдек, "Аёллар дафтари"га киритилган болаликдан 1-гурух ногиронлиги бўлган Халилова Розия опанинг ҳолидан хабар олиниб, реабилитация воситалари берилди.

"Аёллар дафтари"нинг 1-тоифасида турган Жумаева Х. ҳамда Даминова Ў. га тикув мошинка берилиб, иш фаолиятини бошлаганлиги ўрганилди.

Бегматова Б. "Аёллар дафтари"нинг 3-тоифасида турганлиги ва яшаш хонадони таъмирга тушганлиги ва бугунги кунда уйи таъмирланаётганлик жараёнлари кўздан кечирилди.